



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

15 май 1974 йил, чоршанба № 112 (15.892). ♦ Баҳоси 2 тийин.



ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ XIV СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар! Ўзбекистон Коммунистик партияси Маржа-
зий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўз-
бекистон ССР Министрлар Совети матлубот кооперацияси ва-
киллари XIV съездининг делегатларини ва сизлар орқали рес-
публика матлубот жамиятларининг барча аъзоларини қизғин
таъриқлайди.

Бутун мамлакатда бўлган каби Ўзбекистондаги коопе-
рация ҳаракати ҳам В. И. Лениннинг номи билан чамбарчас бо-
ланган. В. И. Ленин кишиларни социализмга етказиш, ўзгарти-
риш, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустақам-
лаш, совет кооператив савдосини ривожлантириш йўллари ва
формаларини белгилаб берди.

Келгуси йилда 50 ёшга туладиган республика матлубот жа-
мияти — Ўзбекистондаги катта ва аjoyиб йўлни босиб ўтди.
Ўзбекистондаги хўжалик ва маданий қурилишда актив қат-
наш, кооперациянинг ривож, кенг меҳнаткашлар оммаси-
нинг социализм қуриш йўлидаги актив қурашга жалб этилиши
унинг самарали фаолияти билан боғланган. Республика коопе-
раторлари ҳамisha партиянинг қиплоқ ва овуллари социалис-
тик негизда қайта қуриш, деҳқонларнинг моддий фаровонлиги-
ни ошириш соҳасидаги сясатини амалга ошириб келди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон матлубот коопе-
рацияси ўз сафарида 2 миллиондан ортиқ кишини бирлашти-
риб турган кучли хўжалик ташкилотига айланди. У республи-
ка эконоимаси ва маданиятини юксалтиришда актив қўмак-
лашмоқда.

Коммунистик қурилиш вазифалари, колхоз ва совхозлар эко-
номияси юксалиб бораётганлиги, қишлоқ аҳолисининг фаро-
вонлиги ва маданияти муттасил ўсаяётганлиги совет кооператор-
лари одига янги, янада каттароқ талабларни қўймоқда. Улар
савдо-сотиқни ҳар томонлама ривожлантиришлари ва таъминла-
штиришлари, аҳолига хизмат кўрсатишдаги камчиликларни
қатъият билан тўлатишлари, совет кишиларининг моддий ва
маданий ҳаётининг тўлароқ қондиришлари лозим.

Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари турмушини қайта қуриш
соҳасидаги ишни кучайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-
ни ҳарид қилишни кенгайтириш, шу маҳсулотларнинг дастлабки
қайта ишлаш сифатини яхшилаш, шаҳарларга ва саноат мар-
казларига юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш учун ўз
таъминотларининг масъулиятини ошириш зарур.

Кооперация ходимларининг вазифаси — социалистик мулк-
ни ҳар томонлама қўпайтиришдан ва ҳўйиёт қилиб асрашдан,
тежаб-тергашдан, кадрларни камчиликларга ва хўжасизликка
мурсасизлик руҳида, давлат интизомига қатъий риоя этиш,
ҳамма планларни ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз ба-
жариш руҳида тарбиялашдан иборат.

Матлубот жамиятларида демократияни бундан буён ҳам
ривожлантириш, пайчилар оммасини хўжаликнинг бошқариши,
кооператив корхоналар ва ташкилотлар ишини контроль қи-
лишга тортиш керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўз-
бекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети матлубот кооперациясининг ходимлари
КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан вазифаларни амалга оши-
риш учун янада зўр ғайрат ва ижодий ташаббускорлик билан
кураша берадилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартия-
сининг олтин юбилейини муносиб қутуб олишга катта ҳисса
қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМ-
МУНИСТИК ПАРТИЯ-
СИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ



В. И. Ленин номи Урганч тикувчилик фабрикасининг коллективи шу кунларда тўққизинчи беш йилли-
нинг белгиласи йили топириқларини бажариш учун меҳнат вахтасида туруб ишламоқда. Фабри-
канинг илгир тикувчиси Султоношша Хўжаева ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсати-
лган. У ҳозир 1975 йил ҳисобига ишламоқда. Суратда: илгир тикувчи (чапдан учинчи) Султоношша Хў-
жаева ўз ҳамкасблари орасида. С. Безносоев фотоси.

АМУ—БУХОРО КАНАЛИНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

БУХОРО, 14 май. (ЎзТАГ).
Бухоро область партия ташки-
лоти активининг йиғилиши бў-
либ ўтди. Йиғилишда Аму-Бу-
хоро машина каналининг ик-
кинчи навабати қурилишини
тезлаштириш масаласи муҳока-
ма қилинди. «Аму-Бухара канал-
строй» қурилиш бошқармаси-
нинг бошлиғи А. А. Хўжаева
билан қуриладиган корхона ди-
рекциясининг раҳбари Н. М.
Каракин докладыни тинглан-
ди.

Йиғилишда КПСС Марказий
Комитети Сийёсий бюроси аъзо-
лигига наъидат, Ўзбекистон
Компартияси Марказий Коми-
тетининг биринчи секретари
Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.
Бухоро область партия коми-
тетининг биринчи секретари

БУХОРО ОБЛАСТЬ
ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ
ЙИҒИЛИШИ

Қ. Муртазоев область комму-
нистлари ва барча меҳнаткаш-
лари номидан таъриб, Бухоро
ишчилари, қишлоқ меҳнатчилари,
зиёлилари Лениннинг комму-
нистик партиянинг оғаларча
доимий тамхўрлигига фидоко-
рона меҳнат билан жавоб бе-
радилар ва беш йиллиқнинг
белгиласини йили учун олинган
юксак социалистик мажбурият-
ларининг бажарилишини таъ-
минлайдилар. Ўзбекистон ССР
билан Ўзбекистон Компартия-
сининг 50 йиллигини муносиб
қутиб оладилар, деб КПСС

Марказий Комитети ва Совет
ҳўкумати. Ўзбекистон Ком-
партияси Марказий Комитети
ва республика Министрлар Со-
ветини ишонтирди.

Муҳокама этилган масала
юзасидан батафсил қарор қа-
бул қилинди.

Питилишда Ш. Р. Рашидов
Бухоро областига 1974 йил-
нинг биринчи кварталда сано-
ат, транспорт ва қурилиш соҳа-
сида эришилган муваффақият-
лар учун Ўзбекистон Компартия-
сини, Марказий Комитети,
Республика Министрлар Со-
вети, Ўзбекистон қасаба сою-
злари республика Совети ва
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий
Комитетининг кўма қилди
байроғи билан дипломни топ-
ширди.

А. И. БРЕЖНЕВ Х. ЗИНДЕРМАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош
секретари А. И. Брежнев қисқа
муддатли дўстона визит билан
Москвага келган Германия Бир-
лашган Социалистик партияси
Марказий Комитети Сийёсий бю-
росининг аъзоси, ГДР Министрлар
Совети Раиси Х. Зиндерманни
шу йил 13 майда Кремлда қабул
қилди.

А. И. Брежнев ва Х. Зиндерман
ўртоқлар Совет Иттифоқи билан
Германия Демократик Республи-
каси ўртасидаги қардошларча
алоқалар юксак даражада ривож-
лантирилганини мамнуният билан
таъкидлаб ўтди. Бу эса КПСС
ҳамда ГСБП Марказий Комитетла-
рининг Совет Иттифоқи билан
ГДР ўртасида, ҳар иккала мамла-
кат коммунистлари ва халқлари
ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик
ишига доимо эътибор бераётган-
лигининг самарасидир.

Ўртоқ Зиндерман ГДРда Герма-
ния Демократик Республикаси

тузилганлигининг 25 йиллиги бай-
рамига кенг миқёсда тайёргарлик
олиб бораётганлиги тўғрисида,
меҳнаткашлар бу байрамни юксак
ғовий сийёсий руҳ билан қутиб
олаётганликлари ҳақида сўзлаб
берди.

А. И. Брежнев билан Х. Зин-
дерман ўртасидаги суҳбат чоғида
Европада, шунингдек бутун дунё-
да кескинлигини юмшатишни ку-
найитириш ва ривожлантириш ман-
фаатлари йўлида ҳар иккала мам-
лакат ўртасида ҳамкорлик қилиш-
га доир баъзи халқаро масала-
лар қараб чиқилди.

А. И. Брежнев билан Х. Зин-
дерман ўртасидаги учрашув дўс-
лик, савимият ва фикрларнинг таъ-
момила бирлиги вазиятида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Ко-
митети Бош секретарининг эри-
дамчиси К. В. Русаков, Германия
Демократик Республикасининг
СССРдаги элчиси Г. Отт қатнаш-
дилар.

Н. В. ПОДГОРНИЙ БХР ХАЛҚ МАЖЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиу-
мининг Раиси Н. В. Подгорний
13 май кун Кремлда Болгария
Халқ Республикасининг Халқ мажлиси
Раиси В. Бонев бошчилигидаги
БХР Халқ мажлиси делегациясини
қабул қилди.

Н. В. Подгорний БХР Халқ маж-
лиси билан СССР Олий Совети
ўртасида кенг ва самарали алоқа
ўрнатилганлигини таъкидлаб, меҳ-
монларни савимий таъриқлади.
Н. В. Подгорний ана шу мустақ-
кам парламент алоқаларни, учра-
шувлар ва суҳбатлар катта наф-
қатларининг ҳаётининг ҳамда халқ-
ларнинг ҳаётининг барча соҳала-
рида ва дора-дарада Совет—Бол-
гария қардошлик муносабатлари-
ни яққол акс эттираётганлигини
уктириб ўтди.

В. Бонев ҳушудлик ва меҳ-
мондўстлик учун СССР Олий Со-
ветига делегация аъзолари номидан
савимий миннатдорчилик
билдирди. У делегациянинг мам-

лакат буйлаб қилган сафари Бол-
гариялик меҳмонларга Совет
Иттифоқи коммунизми қурилиши
да жуда катта муваффақиятларга
эришганлигини ўз кўзлари билан
қўриб ишонч ҳосил қилиш имко-
нини берганлигини таъкидлади.

Болгария Халқ Республикаси-
нинг меҳнаткашлари, деб таъкид-
лади В. Бонев, Коммунистик пар-
тия билан Совет давлатининг бу-
тун дунёда тинчлиқни мустақ-
камлашга қаратилган ташқи сис-
татини астойдил таъриқлайдилар.

Савимий, дўстона суҳбатда
СССР Олий Совети Иттифок Со-
вети билан Миллатлар Совети-
нинг раислари А. П. Шитиков ва
В. С. Насриддинова, СССР Олий
Совети Президиумининг секретари
М. П. Георгадзе, СССР Олий
Советининг депутаты И. С. Гус-
тов, шунингдек БХРнинг СССР-
даги элчиси Д. Жулев иштирок
этдилар. (ТАСС).

Н. В. ПОДГОРНИЙ ВЕНЕСУЭЛА ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиу-
мининг Раиси Н. В. Подгорний 14
май кун Кремлда Венесуэла
Республикасининг СССРдаги эл-
чиси Реголо Бурелли Ривасни қа-
бул қилди.

Дўстона вазиятада ўтган суҳбат
чоғида Совет Иттифоқи билан

Венесуэла Республикаси ўртаси-
даги ҳамкорлиқни ривожланти-
риш масалалари тилга олинди.
Элчи Н. В. Подгорнийга Венесуэ-
ла Республикаси президенти Кар-
лос Андрес Переснинг мактуби-
ни топширди.

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИН Х. ЗИНДЕРМАН БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сий-
сий бюросининг аъзоси, СССР
Министрлар Советининг Раиси
А. Н. Косигин 13 май кун
Кремлда Германия Бирлашган со-
циалистик партияси Марказий
Комитети Сийёсий бюросининг
аъзоси, Германия Демократик
Республикаси Министрлар Со-
ветининг Раиси Х. Зиндерман билан
учрашди.

Савимий, ўртоқлик вазиятида
ўтган суҳбат чоғида томонлар
икки томонлама негизда ҳам,
шунингдек ўзаро Иқтисодий Ери-
дам Кенгаши доирасида ҳам
СССР билан ГДР ўртасидаги қар-
дошларча дўстлик ва ҳар томон-
лама ҳамкорлик муваффақият-
лигида ривожланиб бораётган-
лигини мамнуният билан таъриқ-
ладилар.

Варшава Шартномасида қатна-
шувчи давлатлар Сийёсий масла-
хат комитетининг апрель кенга-
шида биргаликда қабул қилинган
қарорлар руҳида сийёсий, савдо-
иқтисодий, илмий-техникавий, ма-
даний ва бошқа соҳаларда ана
шу ҳамкорлиқнинг самараларли-
гини янада кучайтириш, кенгайти-
риш ва ошириш масалалари кў-
риб чиқилди. СССР билан ГДР
ҳўкуматларининг бошқилари иш-
лаб чиқаришни кооперативлаш-
тириш ва иқтисодий интеграцияни
ривожлантириш билан ҳамда соци-
алистик интеграция комплекс про-
граммасини амалга ошириш со-
ҳасидаги иш янада интенсив-
лаштириш билан боғлиқ бўлган

бир қанча проблемаларни ҳам
муҳокама қилидилар.

А. Н. Косигин билан Х. Зиндер-
маннинг суҳбати муҳокама қилин-
ган барча масалалар юзасидан
СССР билан ГДР ҳўкуматларининг
қарашлари ва тўтган позицияла-
ри тўла яққил эканлигини ана
бир бор таъкидлади.

Суҳбатда совет томонидан —
СССР Министрлар Совети Раис-
ининг ўринбосари, СССР Госплан
раиси Н. К. Байбаков; ГДР то-
монидан — ГДРнинг Совет
Иттифоқидagi элчиси Г. Отт иш-
тирок этдилар.

ССР Иттифокнинг ҳўкумати
ГДР Министрлар Советининг Раис-
и Х. Зиндерман шарофига 13
майда Кремлда нуношта зиёфат
берди. ГДРнинг СССРдаги элчиси
Г. Отт, ГДР элчихонасининг дипло-
матия ходимлари зиёфатда Х.
Зиндерман билан бирга бўлиш-
ди.

Совет томонидан зиёфатда
А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров,
М. С. Солоненцев ўртоқлар,
СССР Министрлар Совети Раисин-
инг ўринбосарлари И. В. Архи-
пов, Н. К. Байбаков, В. Э. Дим-
ши, В. А. Кириллин, З. Н. Нури-
ев, Л. М. Смирнов, СССР минис-
трлари, СССР давлат комитетла-
рининг раислари, бошқа расмий
кишилар ҳозир бўлишди.

Қардошларча савимийлик ва-
зиятида ўтган нуношта пайтида
А. Н. Косигин билан Х. Зиндер-
ман дўстона қадаҳ кўтардилар.
(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

Болгария Халқ Республикаси
Халқ мажлисининг Раиси В. Бо-
нев бошчилигида СССР Олий
Советининг таълифига биноан
мамлакатимизда меҳмон бўлиб
турган Болгария Халқ Республи-
каси Халқ мажлиси делегацияси
14 майда Москвадан юртига жў-
наб кетди.

БХР ва СССР давлат байроқла-
ри билан безатилган Шереметье-
во аэродромда делегацияни

СССР Олий Совети Иттифок Со-
ветининг ва Миллатлар Совети-
нинг раислари А. П. Шитиков ва
В. С. Насриддинова, СССР Олий
Совети Президиумининг секретари
М. П. Георгадзе и бошқалар
кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида
Болгария Халқ Республикасининг
СССРдаги элчиси Д. Жулев ҳам
бор эди. (ТАСС).

ШОЛИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида шולי экиннинг бориши
тўғрисида шу йил 14 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — план (гектар ҳи-
собада); учинчи стун — бир кунда екилган майдон; тўртинчи стун —
жами екилган; бешинчи стун — планга нисбатан процент
ҳисобда.

Област	3301	12	3150	96,7
Тошкент	3301	12	3150	96,7
Наманган	2401	13	2210	92,0
Фарғона	2963	34	2332	78,7
Андижон	4105	5	3158	76,9
Сурхондарё	7623	319	5765	75,6
Сирдарё	2100	40	1415	67,4
Самарқанд	9196	646	6188	67,3
Хоразм	37470	1490	17534	46,8
ҚАССР				
Республика бўлини	79927	2721	52170	65,3



